100 китоб тўплами

МЕВАЛИ БОҒ БАРПО ЭТИШ

61-китоб

Қишлоқ хўжалигини илмий асосда йўлга қўймас эканмиз, соҳада ривожланиш бўлмайди.

Ш. МИРЗИЁЕВ.

Ҳурматли деҳқонлар, чорвадорлар, тадбиркорлар!

Жаҳон миқёсида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аграр соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, ҳосилдорлик ва манфаатдорликни янада ошириш, соҳага илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий ёндашувларни жорий этиш долзарб масаладир.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида, камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин ошириш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Бу жараёнда ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилди ва қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишимиз лозимлиги белгилаб берилди.

“Агробанк” АТБ мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасининг барқарор ривожланишига ҳисса қўшиш учун нафақат молиявий, балки ижтимоий лойиҳалар билан ҳам аграр соҳага сармоя киритишга эътибор қаратмоқда.

Жумладан, ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар ҳамда тажрибалар асосида соҳанинг етук мутахассислари, олимлари билан ҳамкорликда фермерлар ва аҳоли учун дастлабки босқичда ушбу 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди.

Тўпламда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинларини асосий ҳамда такрорий экиш муддатида етиштириш, иссиқхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш, ғаллачилик, дон ва дуккакли экинлар, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар берилган.

Ушбу лойиҳани келажакда тажрибали деҳқон ва фермерларимиз, чорвадор ва ветеринарларимиз, аграр соҳа вакиллари ва бошқа китобхонларимиз фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифлари асосида янада такомиллаштирамиз.

Умид қиламизки, ушбу қўлланмалар тўплами Сиз – деҳқонлар, чорвадорлар ва тадбиркорларимиз учун фойдали бўлади.

Ҳосилингиз мўл-кўл, даромадингиз баракали бўлсин!

Рустам МАМАТҚУЛОВ,
“Агробанк” АТБ бошқарув раиси.

УЎК 634
КБК 42.37
М 38

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчи: “Агробанк” АТБ

Тузувчилар:
И. Ч. Намозов – Тошкент давлат аграр университети Мевачилик ва узумчилик кафедраси доценти, қ.х.ф.ф.д.
И. Т. Нормуратов – Тошкент давлат аграр университети Мевачилик ва узумчилик кафедраси мудири профессор, қ.х.ф.д.
Тақризчилар:
З. А. Умаров – Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Илмий котиби қ.х.ф.ф.д.
А. Ш. Арзуманов – Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими, қ.х.ф.н.
Ҳ. М. Ҳасанов – Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти мева-резавор экинлари ва узум генофонди бўлими мудири.
Лойиҳа иштирокчилари:
У. Ф. Файзуллаев, М. С. Ҳайитбоев.
Муҳаррир:
Т. Долиев – “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали бош муҳаррири.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ муассислигида тайёрланди ҳамда нашр эттирилди. Билдирилган фикр-мулоҳаза, хулоса ва тавсияларга тузувчи муаллифлар масъулдир.

Ижтимоий лойиҳалар билан аграр соҳага сармоя киритиш доирасида “Агробанк” АТБ томонидан 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди. Тўпламда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинлари, ғаллачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид ривожланган давлатлар ва юртимизда эришилган кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар қамраб олинган.

Тўплам мазкур йўналишдаги биринчи нашр бўлиб, келгусида ушбу лойиҳани давом эттириш мақсадида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида янада бойитиб бориш кўзда тутилган.

Қўлланма соҳа мутахассислари, фермерлар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ туҳфасидир

© “Агробанк” АТБ – 2021
© Нашриёт уйи “Тасвир” – 2021
© “Colorpack” МЧЖ – 2021

ISBN 978-9943-7171-7-6

МУНДАРИЖА

Кириш 7

Мевали ўсимликларнинг ташқи муҳит омилларига муносабати 8

Мевали боғлар барпо этиш технологияси 21

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 53

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4575-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжаллаган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида янги мевали боғлар ташкил этиш вазифалари алоҳида белгилаб берилган.

Мевали боғларнинг ҳосилдорлиги, узоқ яшаши ва сердаромад бўлиши унинг қанчалик тўғри барпо қилинганлигига боғлиқ. Мевали дарахтлар кўп йиллик ўсимликлар бўлиб, уларнинг ўсиши 30-35 йил ва ундан ҳам узоқ вақт давом этади. Мевали боғ барпо қилишда хатоликларга йўл қўйилса дарахтлар ҳосилга киргандагина сезилади ва уни тузатиш қийин ёки бутунлай тузатиб бўлмайди. Чунки, катта ёшдаги дарахтларни кўчириб ўтқазишга кўп маблағ сарфланади, қолаверса, у ҳамма вақт ҳам ижобий натижа беравермайди.

Боғ барпо қилинадиган жой нотўғри танланганда дарахтлар эрта қарийди, уларнинг ҳосил бериш даври қисқаради, ҳосили камаяди ва мева сифати пасаяди. Боғ барпо қилишда боғ учун ер майдони ажратиш ва уни ташкил қилиш, экиш усулларини тўғри танлаш, тур ва навларни танлаш ҳамда уларни боғда жойлаштириш каби масалаларга баҳо бериш ҳамда уларни тўғри ҳал қилиш лозим. Боғ барпо қилишда майдоннинг тупроғига, иқлим шароитига, ерни экишга тайёрлашга, кўчат ўтқазиш технологиясига ва ёш боғларни парвариш қилишга эътибор бериш керак.

МЕВАЛИ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ТАШҚИ МУҲИТ ОМИЛЛАРИГА МУНОСАБАТИ

Мевали ўсимликлар ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги кўп жиҳатдан ташқи муҳит омилларига боғлиқ бўлади. Айниқса, иқлим ва тупроқ омиллари мева экинларининг ўсишига ва ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Бу талаб ўсимлик ёшининг ҳар хил даврларида (кўчатлик, ҳосил бериш ва қариш) ўсиш ва тиним фазаларида йил давомида (баҳор, ёз, қиш, куз) турли хил бўлади.

Мевали ўсимликлар кўчатларини ўтқазиш, парваришлаш, ноқулай шароитларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда уларнинг ўсиб ривожланиши учун қулай шароит яратиш керак.

Ёруғлик – фотосинтезнинг асосий омили ҳисобланиб, у ўсимлик органларининг ўсиши ва ҳосил бўлишига ёрдам беради, транспирациясига, ўсувчи органларнинг йўналишига ва бошқаларга таъсир кўрсатади. Ёруғликнинг

ўзгариши билан ўсимлик тупроқ ва ҳавонинг ҳарорати, намлиқ, тупроқнинг кимёвий таркиби ҳамда микробиологик муҳит ўзгаради.

Боғнинг ёруғлик режими очиқ жойнинг ёруғлик режимидан фарқ қилади. Шох-шабба ва дарахт тагига ёруғлик кам тушади. Тоғ ва тоғолди ҳудудларида ўсувчи дарахтлар водийда ўсувчи дарахтларга қараганда ёруғликдан кўпроқ фойдаланади. Ҳаво булут вақтларда ёруғлик кучи анча камаяди. Тепаликларда ва жанубий ёнбағирларда ўсаётган дарахтлар чуқурликда ёки шимолий ёнбағирларда ўсаётган дарахтларга нисбатан ёруғликдан кўпроқ фойдаланилади. Дарахт шох-шаббаси, унинг айрим қисмларига ёруғлик бир хилда тушмайди. Шу туфайли фотосинтез ҳам бир хил кечмайди. Ташқи томондаги баргларга шох-шабба орасидаги баргларга нисбатан шох-шаббанинг юқори яруслардаги баргларга эса пастки ярусдаги баргларга қараганда ёруғлик кўп тушади. Шох-шабба марказига яқинлашган сари баргларга тушадиган ёруғлик камая боради. Сийраклаштирилган шох-шаббанинг баргларига қалин шох-шаббанинг баргларига нисбатан ёруғлик кўп тушади.

Мева экинлари ёруғликка бўлган талаблари жиҳатидан ***ёруғсевар, сояга чидамли ва сояпарвар*** ўсимликлар фарқ қилинади. Ёруғсевар ўсимликларда ёруғлик етишмаслиги новдаларнинг заифланиши (нимжон ўсиши) кузатилади. Сояда ўсган дарахтларнинг поя ва баргларидаги механик тўқималар кам ривожланади. Ёруғлик ҳаддан ташқари кучли бўлса, шох-шабба тепага қараб кам ўсади, скелет шохлар атрофга қараб кучли ривожланиб, ер бағирлаб ўсади. Ёруғлик бир томондан тушса, шохлар ёруғлик тушиб турган томонга эгилиб ўсади, шох-шабба бир томонлама

ривожланади ҳамда ёруғлик тушган томонда ёғочликнинг йиллик қавати кенгроқ бўлади. Битта ёруғсевар ўсимликнинг ўзида сояпарвар ва ёруғсевар барглар бўлади.

Ёруғликка бўлган талабига кўра, асосий мева дарахтлар турларини қуйидаги тартибда жойлаштириш мумкин: писта, чилонжийда, анжир, зайтун, анор, хурмо, шафтоли, ўрик, бодом, гилос, ёнғоқ, нок, олма, олча, резавор мевалар.

Олма нисбатан сояга чидамли дарахтдир. Бироқ, шох-шаббаси қалин бўлиб, сояда қолган мевалари ўзига хос рангни яхши ололмайди ва ёмон ривожланади. **Нок** ёруғсевар ўсимлик. Шох-шаббасининг ичи сийрак, ён томонлари қалин бўлади. Беҳи ҳам ёруғсевар. Сояда кам гуллайди ва кам ҳосил беради, ўсишдан орқада қолади, заифлашади ва қуриб қолади. **Ўрик, шафтоли ва гилос** ҳам ёруғсевар ўсимликлардир. Ўрик ёввойи ҳолда очиқ, ёруғ жойларда ўсади. Шафтоли ўрикка нисбатан анча ёруғсевар ҳисобланади ҳамда унинг шох-шаббаси қалинлашиб кетганда сояда қолган шохчалари тез қурий бошлайди.

Олчанинг кўпгина навлари сояга чидамли ўсимликлардир. Томорқа майдонларида улар қалин ўсиб, яхши ҳосил беради лекин, ёруғлик етарли бўлганда янада мўл ҳосил бериши мумкин.

Олхўрининг Ғарбий Европа навлари ёруғсевардир, қолган навлари ёруғликни камроқ талаб этади.

Ёнғоқ ёруғсевар ўсимликлар билан сояга чидамли турлари ўртасидаги оралиқ ўринни эгаллайди, бироқ ёруғлик етарли бўлганда мўл ҳосил бўлади.

Қулупнай бир оз сояпарвар, аммо ёруғ жойда яхши ҳосил беради. Йилнинг иссиқ вақтларида барглари қуёш таъсирида куяди.

Малина сояга чидамли ўсимлик. Девор олдида, кўпинча мева дарахтларнинг тагида ўсади ва ҳосил беради. Қуёш кучли қиздирса, барглари куяди.

Қора смородина ва крижовник мўътадил ва тарқоқ ёруғликка мойил, сояни ёқтирмайди, кучли иссиқда смородина барглари куяди.

Анжир, анор, бодом, зайтун ёруғсевар ўсимликлардир.

Чилонжийда ҳамда **писта** жуда ёруғсевар ўсимликлар ҳисобланади.

Мевали дарахтлар тиним даврида ёруғликни талаб қилмайди. Қаламча ҳамда кўчатлар қоронғи ертўлаларда ёки кўмилган ҳолда сақланади ва улар ҳеч қандай салбий таъсир кўрмайди.

Мева экинларининг ўсиш ва ривожланишида **тупроқ** ҳамда **ҳавонинг ҳарорати** муҳим аҳамиятга эга. Ўсимликда кечадиган моддаларнинг кимёвий ўзгариши ва ўрин алмашиши шу омилларга боғлиқ. **Иссиқлик** энергия омили сифатида транспирация, фотосинтез, ўсув фазаларнинг бошланиши ва узунлигига таъсир кўрсатади. Иссиқлик етишмаса ўсиш даврида фотосинтез сусаяди, ўсимлик ўсишдан қолади, қишга тайёргарлиги ёмонлашади, мевасининг сифати бузилади, уларнинг шира тўплаши ва пишиб етилиши чўзилади, кераклi рангга эга бўлолмайди. Иссиқлик оптимал даражадан кўтарилиб ёки камайиб кетганда ўсимлик танасининг ҳаёт фаолияти сусаяди маълум чегарага етганда эса улар ўсишдан тўхтайди ва ҳатто нобуд бўлиши ҳам мумкин.

Ўсимликларнинг нормал ўсиши ва ривожланиши учун узоқ совуқ бўлмайдиган маълум даврни талаб қилибгина қолмай, балки ўсиш даврида ҳароратнинг керакли меъёрда бўлишини ҳам талаб этади. Ўсиш даврининг турли фенофазаларида бир ўсимликнинг ўзи иссиқликнинг ҳар хил миқдорда бўлишини талаб қилади. Масалан, илдизлар 2,5-5,4 ^{o}C да ўса бошлайди, куртаклар +5-10 ^{o}C атрофида ёзилади, мева куртаклар эса +15-20 ^{o}C да шаклланади.

Юқори ҳарорат мевали дарахтларга катта зарар етказиши мумкин. Ҳарорат +35 °С дан юқори бўлганда барглардаги оғизчалар беркилади, фотосинтез сусаяди: улар узоқ таъсир кўрсатса, меваси эрта пишади. Мазаси, ранги, хушбўйлиги бузилади, тўкилади. Дарахт +50-60 °С гача қизиганда пўстлоқлари, барглари, танаси, бутоқлари, шунингдек мевалари куяди. Айниқса, июль ва август ойларида олманинг кузги ва қишки навлари қуёш иссиқлигидан куяди, натижада улар ўз қийматини йўқотади. Айниқса, юқори ҳароратнинг қуруқ ҳаво билан бирга келиши ўсимликлар учун жуда зарарли ҳисобланади.

Мевали дарахтлар, асосан тунда ўсади, бу вақтда ҳароратнинг мўътадил бўлиши ўсиш учун қулай шароит яратади. Мевали дарахтларга паст ҳарорат янада кўпроқ зарар етказади. Ноль градусда биокимёвий ўзгаришлар, нафас олиш ва транспирация жуда сусаяди, фотосинтез ва ўсиш эса тўхтаган бўлади. Паст ҳароратда тўқималарда муз ҳосил бўлади. Улар ўсимлик тўқималаридаги ҳужайралар оралиғида ҳамда ичида кристалланиши мумкин. Агар мевали ўсимликлар қишга яхши тайёрланган ва совуқлар бошланганда секин совий бошлаган бўлса, у ҳолда муз ҳужайралар оралиғида ҳосил бўлади. Ўсимликлар қишга тайёргарлик кўрмаган ва ҳаво тез совиб, сув ҳужайралар ичидан ҳали чиқиб улгурмаганда, муз кристаллари улар ичида, ҳужайра пўсти билан протоплазма орасида ҳосил бўлади. Муз протоплазмани сиқади, уни сувсизлантиради ва ташқи пардали қаватини зарарлайди. Муз кристаллари протоплазманинг ичига ўтиб, уни зарарлаши ҳам мумкин.

Ҳужайранинг ҳар қандай музлаши ҳам ҳалокатли бўлавермайди. Агар ҳужайрага муз кам тўпланган ва ўсимлик совуққа чидамли бўлса, муз аста-секин эрий бошлангандан сўнг, у ўзини ўнглаб олади ва ҳаётини давом эттиради. Ҳарорат

кўтарилганда муз кристаллари эриб, ҳужайралар сув билан яна тўлади ва унинг ҳаёт фаолияти тикланади. Ҳарорат аста-секин пасая борса, мевали дарахт турларининг кўпчилиги қишда қаттиқ, ҳатто -60 °С гача совуққа чидаш қобилиятига эга, қора смородина эса минус 190-195 °С гача чидай олади.

Ўсимликлар чиниқишининг биринчи фазасини ўтагач, уларнинг совуққа чидамлилиги ошади, улар -15-20 °С совуққа, совуққа чидамлилари эса -25-30 °С гача чидай оладиган бўлади. Энг асосий мева ва резавор мевали ўсимликлар иссиққа бўлган талабига кўра, қуйидаги тартибда жойлашади: смородина, крижовник, малина, қулупнай, олча, олма, нок, олхўри, гилос, ёнғоқ, беҳи, шафтоли, бодом, хурмо, анор, анжир, чилонжийда, писта, цитрус мевалар, зайтун. Бу градация шартли ҳисобланади, чунки ҳар бир тур ичида, айниқса, олмада совуққа чидамли ва совуққа чидамсиз навлари бор.

Олма – жанубий навлари ҳарорат -32-35 °С дан паст бўлганда, баъзилари эса (Ренет Симиренко нави) -21 °С да нобуд бўлади. Олманинг кўпчилик навларининг ўсиши ва ҳосил бериши учун ўсиш даврида юқори ҳарорат талаб қилинмайди. Кучли иссиқда айрим навларнинг мевалари қуёш нуридан куяди, улар тезроқ пишади, тўкилади ва камсув бўлиб қолади. Олманинг ёзги навлари қишки навларига нисбатан совуқдан кам зарарланади.

Нок – Ўзбекистонда ҳавонинг қизиб кетиши туфайли ёмон ўсади ва кам ҳосил беради. Марказий Осиё ноклари ёзнинг иссиғига ва ҳавонинг қуруқлигига яхши чидайди, улар қишки ҳароратнинг -30-32 °С гача пасайишига чидайди. Нокнинг Ғарбий Европадан келиб чиққан навлари совуққа камроқ чидайди, улар -26-28 °С да зарарланади.

Беҳи – олма ва нокка нисбатан иссиққа кўпроқ талабчан, -27 °С гача чидайди. Кечроқ гуллаганлиги сабабли баҳорги совуқлардан камроқ зарарланади.

Ўрик – Ўзбекистонда эрта гуллайди ва шунинг учун гулларини кўпинча баҳорги совуқлар уриб кетади. Ёғочлиги яхши пишган бўлса, -30 °С гача чидайди. Иссиққа чидамли.

Шафтоли – совуққа чидамсиз. Бир йиллик новдалари ва гул куртаклари -22-26 °С да нобуд бўлади. Баҳорги совуқлардан гуллари кам зарарланади, чунки ўрикдан кеч гуллайди.

Бодом – 22-22 °С совуққа чидайди, аммо бу шароитда мева куртакларини совуқ уради. Тиним даври қисқа, эрта гуллайди (февраль-март бошларида) ва шунинг учун кўпинча баҳорги совуқлардан зарарланади.

Жийда – совуққа чидамли, -30 °С ва ундан ҳам паст ҳароратга чидай олади.

Олхўри – совуққа чидамли, -30 °С дан паст ҳароратга ҳам чидай олади. Европа олхўрилари совуққа чидамсиз. Кеч гуллайди ва баҳорги совуқлардан кам зарарланади.

Олча – иссиқлик омилига нисбатан анча чидамли ўсимлик. Ёзги жазирама иссиқ унинг ўсиши ва ҳосил беришига унча таъсир кўрсатмайди. Гуллари бошқа мевали дарахтларга нисбатан совуққа кам таъсирчан бўлади. Нисбатан совуққа чидамли.

Гилос – иссиқсевар ўсимлик, совуққа чидамсиз, -28 °С да совуқ уради.

Ёнғоқ – иссиқсевар ўсимлик, аммо қишда баъзан -27-28 °С гача пасаядиган жойларда ҳам ўстирилади. -25 °С бир йиллик янги новдаларини совуқ уради, -25-26 °С да бир йиллик кўчатлари нобуд бўлади.

Анор – иссиқсевар ўсимлик, ҳарорат -12-15 °С гача пасайганда бир йиллик новдалари, -15-16 °С да шох-шаббалари қаттиқ зарарланади, -18-20 °С да барча ер устки қисми нобуд бўлади.

Анжир – иссиқсевар ўсимлик, ҳарорат -15 °С да бир йиллик янги новдаларини, - 16 °С да кўп йиллик шохларини, -18 °С да эса ўсимликнинг илдиз бўғзигача бўлган ер устки қисмини совуқ уради.

Хурмо – совуққа чидамлиги жиҳатидан субтропик ўсимликлардан устун туради. -18-20 °С гача борадиган қисқа муддатли совуқларга бардош бера олади, лекин бунда шох-шаббаси анчагина зарарланади.

Қулупнай, малина – совуққа чидамсиз. Ўзбекистонда қорсиз қишда совуқ уриши мумкин ва шунинг учун бундай вақтда устини сомонли гўнг билан ёпиб қўйиш талаб этилади. Қаттиқ иссиқда ўсишдан тўхтайди, барглари офтобдан куйиб, тўкилиб кетади.

Қора смородина – совуққа жуда чидамли, иссиққа чидамсиз, ҳарорат ошиб кетса, баргларини ва баъзан меваларини тўкади.

Намлик мева экинлари ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ўсимлик барглари, шохлари, илдизлари, мевалари 72-86% ни сув ташкил этади. Сув таъсирида бир қатор мураккаб биокимёвий, физиологик жараёнлар, минерал ҳамда органик моддалар коллоид ҳолатининг сақланиши, ферментлар таъсири, фотосинтез, ўсиш жараёни интенсивлиги рўй беради. Сув тўқималарни тургор ҳолатда сақлайди. У ўзининг солиштирма иссиқлик сиғими туфайли ўсимликларда ҳароратни мувозанатлаштиришга ва ҳоказоларга ёрдам беради.

Ўсимлик ҳужайраларида сув етарли даражада бўлганда органик моддалар синтези, етишмаганда эса, гидролиз кучаяди.

Сув ўсимликка тупроқ орқали таъсир этади. Шунинг учун тупроқнинг сув режими, йиллик ёғингарчиликнинг миқдори ва уларнинг тақсимланиши, ерости сувлари сатҳи ўсимликлар ҳаётида катта ўрин тутади.

Мева ўсимликларининг сувга бўлган талаби ўсимлик тури ва навига қарабгина эмас, балки уларнинг ёши метеорологик шароит, тупроқнинг физик-кимёвий таркиби ва бир қатор бошқа омилларга қараб аниқланади.

Ўсимликнинг қурғоқчиликка чидамлилиги ўсимлик тўқималарининг ҳаётчанлик хусусиятларини йўқотмаслик, сувни кўп йўқотганда қайта ивиш (оқсилнинг қуюқланиши)нинг қайта бошланишига йўл қўймаслик қобилиятида намоён бўлади. Аммо, ўсимлик сув билан нормал таъминлангандаги транспирация миқдори, ўсимликнинг қурғоқчиликка кўп ёки кам чидамлилигини кўрсатувчи белги бўла олмайди. Қурғоқчилик вақтида ҳужайралар плазмаси сувсизланади. Бу жараён кучли совуқ вақтида ҳужайралар плазмасининг сувсизланиш жараёни билан бир хилда боради.

Ўсимликларнинг сувга бўлган талаби мева дарахтларнинг айрим тури ва навлари ҳаётининг турли даврларида, кун ва йилнинг турли вақтларида ҳамда ҳар хил иқлим ва тупроқ шароитларида турлича бўлади.

Ўзбекистонда етиштириладиган мева ўсимликларини намсеварлик даражасига кўра тахминан қуйидагича тақсимлаш мумкин (сувга кам талабчанлиги бўйича): қулупнай, малина, смородина, беҳи, олхўри, олма, нок, ёнғоқ, гилос, олча, шафтоли, ўрик, анор, бодом, анжир, чилонжийда (унаби), писта, зайтун. Лекин, ҳар бир тур бўйича намсеварлик даражаси ҳар хил бўлган навлари ҳам бўлади.

Ўзбекистонда деярли барча мева ўсимликлар (зайтун ва пистадан ташқари) намсевар ҳисобланади. Бизнинг шароитимизда уларни суғормасдан ўстириш мумкин эмас.

Олма – намсевар ўсимлик. Унинг сувга бўлган талаби пайвандтагга ҳамда илдизларнинг тупроқда жойлашиш чуқурлигига боғлиқ. Туркманистон олмаси ерости сувларининг юза – 1,0-1,5 м гача жойлашишигача чидай олади.

Нок – ёш вақтида, ҳали узун ён илдизлар пайдо бўлмагунча сувга талабчан бўлади. Ерости сувларининг юза жойлашиши салбий таъсир кўрсатади. Ҳавонинг қуруқлигига чидамсиз. Беҳига пайванд қилинган, илдиз тизими ҳали яхши ривожланмаган нок намга анча талабчан бўлади.

Беҳи – қурғоқчиликка яхши чидамли, бунда у буғланишни камайтиради ва тупроқнинг ўта намлигига қарши баргларини буруштиради. Тупроқ намлиги мўътадил бўлганда сифатли ва мўл ҳосил беради.

Ўрик – ҳавонинг қуруқлигига чидамли, бундай шароитларда замбуруғ касалликлари билан кам зарарланади. Ҳавонинг ўта намлиги доғланиш (клестоспориоз) касаллигини келтириб чиқаради.

Шафтоли – кўпчилик навлари намли шароитга талабчан ҳисобланади. Лекин, баъзи навлари тупроқда нам етишмаслигига ҳамда ҳавонинг қуруқлигига нисбатан чидамли бўлади. Ҳаво жуда нам бўлганда замбуруғ касалликлари билан зарарланади.

Олхўри – асосан илдиз тизими юза жойлашганлиги сабабли тупроқ ҳамда ҳаво намлигига талабчан ҳисобланади. Қуруқ тупроқда ҳамда ҳаво қуруқ бўлганда суст ўсади ва мевалари майда бўлиб қолади, улар кўпинча тўкилиб кетади. Олхўрилар ичида тоғолча қурғоқчиликка анча чидамли ҳисобланади.

Гилос – ҳаво намлигига унча талабчан эмас, бироқ мевалари пишаётган даврда ёққан ёмғир уларнинг ёрилиб кетишига сабаб бўлади. Ерости сувларининг юза жойлашиши гилосга салбий таъсир кўрсатади.

Ёнғоқ – нам етарли бўлган тупроқлардагина яхши ўсади; қуруқ ва сернам тупроқда яхши ўсмайди. Тупроқ намлиги етарли бўлганда ҳавонинг қуруқлигидан унча зарарланмайди.

Бодом – қурғоқчиликка чидамли, қуруқ тошлоқ тупроқларда эркин ўса олади.

Анор – қурғоқчиликка чидамли. Аммо уни сув билан яхши таъминланган ерлардагина ўстириш мумкин. Сув етишмаслиги, айниқса, июлдан октябргача бўлган даврда ҳосилдорликни камайтиради, меваларнинг сифати пасаяди.

Анжир – қурғоқчиликка чидамли, бироқ қуруқ тупроқларда новдалар яхши ўсмайди ва мевалари кам бўлади. Бу меваларнинг бир қисми қурийди ва етилмасдан тўкилиб кетади.

Хурмо – қурғоқчиликка нисбатан чидамли. Яхши ўсиши ва ҳосил бериши учун кўп суғоришни талаб этади.

Чилонжийда (унаби) – қурғоқчиликка чидамли ўсимлик.

Резавор мевалар – қулупнай, малина, қора смородина намсевар ҳисобланади.

Мева ва резавор меваларнинг ҳаёт кечириши учун ҳаво, айниқса, кислород ва карбонат ангидрид катта аҳамиятга эга.

Уруғли меваларнинг мевалари, данак мевалилардан эса ўрик, шафтоли, олхўри шамолдан анча зарар кўради (тўкилади). Олча, бодом, ёнғоқ мевалари шамолга анча чидамли ҳисобланади. Навларнинг чидамлилиги ҳам ҳар хил. Йирик мевалар кўпроқ тўкилади. Уруғли мевалардан олманинг Ренет Симиренко, Делишес, Жонатан, Пармен зимний золотой, нок навларидан эса Бере Боск, Оливье де Серр, Любимица Клаппа шамол таъсирига анча чидамли ҳисобланади. Кандиль Синап, Оқ Розмарин олма навлари,

Бере Ардапон, Бере Диль, Бере Лигеля, Деканка зимняя нок навлари шамолдан тўкилувчан ҳисобланади.

Тупроқ таркибидаги ҳаво ўсимликларнинг ҳаёти учун катта аҳамиятига эга. Бу ерда у сув бўлмаган ҳамма тешикчаларни тўлдиради, тупроқ ҳавосида карбонат ангидрид гази атмосферадагига нисбатан анча кўп, кислород эса бир оз кам бўлади.

Тупроқ аэрацияси ёмон бўлганда илдиз тукчалари қурийди ва бу билан ўсимликнинг илдизи ҳам ер устки қисми зарарланади. Натижада барглар хлорози, шохларнинг қуриши ва некрози юз бериши мумкин.

Тупроқ аэрациясини яхшилаш учун ер махсус плуглар билан ҳайдалади, тупроқ чуқур юмшатилади, бегона ўтларга қарши курашилади ва органик ўғитлар берилади.

Мева ўсимликлари илдиз тизимининг ўсиши ва тупроқда жойлашиш характери тупроқ типи, таркиби ва унумдорлигига боғлиқ. Мева ўсимликларининг илдизлари анчагина чуқурликка кириб боради, шунинг учун тупроқнинг юқори қатламларигина эмас, балки она жинс (ҳайдалма қавати ости) қатламининг ҳам таъсир кўрсатишини ҳисобга олиш керак.

Тупроқ зичлашиб, аэрация яхши бўлмаганда, оксид бирикмалар ўсимликка зарарли ҳисобланган чала оксидларга айланади. Тупроқ аэрациясига, айниқса, бодом, ўрик, шафтоли, анжир, гилос, кўпроқ жийда, смородина эса камроқ талабчан ҳисобланади. Тупроқ аэрацияси чуқур ҳайдаш ва тупроқни юмшатиш билан яхшиланади. Тупроқ ости қатлами енгил қумли ва тош-шағалли ерларда ҳам мева ўсимликлар яхши ўсмайди. Чунки, бундай тупроқлар сувни тез ўтказиб юборади, тез-тез суғоришни талаб этади ва озиқ моддалар осон ювилиб кетади. Тупроқ эритмаси реакциясига

нисбатан мева дарахтлар уч гуруҳга бўлинади. Резавор мевалар учун нордон ва бироз нордон тупроқлар (pH 4,6-5,7); цитрус ҳамда уруғ мевалилар учун бир оз нордон ва нейтрал тупроқлар (pH-6-7); данак мевалилар, айниқса, ўрик, уруғмевалилардан беҳи учун кам ишқорли тупроқлар яхши ҳисобланади.

Тегишли агротехнологик усулларни қўллаганда мева ва резавор-мева экинлари Ўзбекистоннинг барча тупроқларида ўсади. Ботқоқлашган, ботқоқ, тош-шағалли ҳамда шўрланган тупроқлар мелиорация тадбирларисиз кам яроқли ҳисобланади.

Ўзбекистонда суғориладиган, механик таркиби енгил ва ўртача қумоқ, лёссимон бўз тупроқлар, шунингдек, ўтлоқ тупроқлар энг яхши тупроқлар ҳисобланади.

Олма – механик таркиби ҳар хил бўлган турли типдаги тупроқларда ўсади; тўқ тусли бўз тупроқларда мўл ҳосил беради. Тош–шағалли қатлам юза жойлашган ерларда ёмон ўсади, кам ҳосил беради, органик ўғитлар ҳамда тез-тез суғоришга талабчан бўлади. Тупроқ шўрига чидамсиз. Ерости сувлар чуқур жойлашган ўтлоқ-ботқоқ ерларда яхши ўсади.

Нок – унумдор, юмшоқ, намни яхши сақлайдиган, ҳайдалма қавати остки қатламининг сув ўтказиш хоссаси яхши бўлган тупроқда яхши ўсади.

Беҳи – қумоқ, ўтлоқ-тошлоқ тупроқларда яхши ўсади ва ҳосил беради.

Ўрик, олча, шафтоли, гилос – ҳар хил тупроқларда яхши ўсади. Қуруқ шўрланган ва ботқоқланган тупроқларга чидамсиз.

Бодом – тошлоқ, лой тупроқли ҳамда қумоқ тупроқларда яхши ўсади.

Анор, анжир – унумдор, қумоқ, бўз, сувни яхши ўтказадиган тупроқларда яхши ўсади.

Хурмо – захи қочирилган, сизот суви чуқур бўлган унумдор соз тупроқли ерларда яхши ўсади.

Қулупнай, малина, смородина – органик моддаларга бой, ҳавони яхши ўтказадиган нам тупроқларда яхши ўсиб, юқори ҳосил беради.

1-расм. Ёш мевали боғ

МЕВАЛИ БОҒЛАР БАРПО ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Боғ барпо этиш учун жой танлаш. Боғ барпо қилинадиган майдоннинг тупроқ-иқлим шароити мева экинлари учун қулай бўлиши лозим, айниқса, ҳарорат омили ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг ҳамма тупроқ-иқлим шароитли ҳудудларда мева экинлари ўсиши мумкин. Лекин, улардан мўл ва сифатли ҳосил олишда ташқи муҳит омилларининг қулай бўлиши катта аҳамиятга эга. Масалан, мева экинларнинг иссиқсевар турларини ва эрта гуллайдиган навларини (бодом, ўрик, шафтоли ва бошқалар) қишки совуқ бўладиган ва баҳорда қора совуқ бўлиб турадиган ҳудудларда экиш ярамайди. Бундай жойларга совуққа чидамли, кеч гуллайдиган уруғли мева турларини экиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистонда боғ учун жой танлашда қанча ёғин ёғиши унчалик аҳамиятга эга эмас, чунки боғлар сунъий йўл билан суғорилиб ўстирилади. Фақат тоғли ва тоғолди ҳудудларида суғорилмай ўстирилади.

Боғ учун жой танлашда жойнинг паст-баландлиги муҳим аҳамиятга эга, чунки у боғнинг айрим майдонларида микроиқлим ҳосил қилади. Суғориладиган текис ерларда, ҳар 1000 метрда кўпи билан 4-5 м нишаб бўлган майдонларни танлаш тавсия қилинади. Аммо, тоғли ва тоғолди ҳудудларида тупроқни тайёрлаш ва мевали дарахтларни ўтқазишда махсус усулларни қўллаб, анча қия жойларда ҳам боғ барпо қилиш мумкин.

Баланд жойларнинг иқлими бир хил бўлади, чунки бу ерларда ҳарорат деярли ўзгармайди. Паст жойлар совуқ ҳаво тўпланиши учун қулай бўлади. Шунинг учун пастликларда баъзи бир мевали дарахтларни, уларнинг куртаклари ва гулларини кўпроқ совуқ уради. Атрофи берк водийлар, пастликлар, чуқурликларда қиш ва баҳорда кўпинча совуқ ҳаво тўпланиб қолади, шунинг учун бу ерлар мевали дарахтлар ўтқазиш учун яроқли бўлмайди. Бундай жойларда фақат мевали дарахтларнинг совуққа чидамли ва кеч гуллайдиган тур ва навларини ўстириш мумкин.

Ўзбекистонда шимолий ва ғарбий тоғ ёнбағирлари боғ барпо қилиш учун энг қулай ҳисобланади. Бу ерларда мевали дарахтлар баҳорги қора совуқлардан, тупроқнинг ҳаддан ташқари қизиб кетишидан ва нам етишмаслигидан камроқ зарарланади. Шарқий ва жанубий ёнбағирлар боғ барпо қилиш учун яроқли бўлмайди. Шарқдан кучли эсган шамол боғларга кўп зарар келтириши мумкин: тупроқни қуритади, боғдаги дарахтларнинг гуллашига ёмон таъсир этади, ёзда эса меваларни тўкиб, дарахт шохларини синдириб юборади. Жанубий ёнбағирлар

кучли исиб кетгани ва тупроғининг қуриб қолгани учун яроқсиз бўлади, чунки бу баҳорда дарахтларни барвақт уйғотиб юборади, кейинчалик қайталанган совуқлардан улар ёки уларнинг айрим қисмлари тез-тез зарарланади. Кузда эса ҳаво илиқ, тупроқ нам бўлганида дарахтлар ўсаверади ва барвақт тушган совуқлардан зарарланиши мумкин. Бундай ёнбағирларда дарахтлар қуёшнинг ҳаддан ташқари қиздириши натижасида куяди. Жанубий ёнбағирларда баҳордаги қора совуқлардан кўпинча эрта гуллайдиган бодом ва ўрик зарарланади, ёзда қуёш иссиғидан гилос танасининг пўстлоғи куяди. Шунинг учун имкони борича бундай ерларга мевали дарахтлардан анжир, анор, хурмо, унаби ва бошқа иссиқсевар ҳамда қурғоқчиликка чидамли ўсимлик турларини экиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистонда учрайдиган тупроқларнинг кўпчилиги боғ барпо қилиш учун яроқли ҳисобланади. Фақат, ботқоқ ва шўрхок тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб, яъни кўп харажатлар қилиб, боғ барпо қилиш мумкин.

Кўпчилик мева экинлари турлари ҳайдалма қавати ўртача ва енгил қумоқ тупроқ бўлган маданийлашган бўз тупроқларда энг яхши ҳосил беради. Боғ барпо қилишда дарахтлар яхши ўсиши ва мўл ҳосил бериши учун озиқ моддаларга бой, чуқур бўз тупроқли, ўтлоқ, шўрланмаган ерларни танлаш мақсадга мувофиқдир.

Сизот сувлари юза жойлашган ерлар мевали дарахтлар, айниқса, чуқур илдиз отадиган дарахтлар учун деярли қулай эмас. Бундай тупроқларда дастлаб дарахтлар яхши ўсади, лекин уларнинг илдиз тизими сизот сувига етгандан кейин қурий бошлайди, дарахтнинг ўсиши секинлашади ва дарахт аста-секин қурий бошлайди. Боғ барпо қилиш учун сизот сувлари ер сатҳидан камида 2,0-2,5 м, айрим мева турлари (олхўри, олча, парадизкага пайванд қилинган олма, жийда) учун эса 1,0-1,5 м, шўр тупроқларда 2,5-3 м чуқурда жойлашган майдонлар ажратилади.

Сизот сувлари ер бетига яқин жойлашган ерларда зовурлар қазиб, сув сатҳи пасайтирилгандан кейингина боғ барпо қилиш мумкин.

Боғ учун жой танлашда унинг муддатида суғориб туриши учун суғориш иншоотларининг узоқ-яқинлигига ҳам эътибор берилади.

Боғ майдонини ташкил қилиш. Боғлар бир-биридан узоқлашиб кетмаслиги ва имкон борича уларни бир ҳудудда барпо қилиш учун хўжаликлар боғ барпо қилиш режасини 3-5 йил олдин тузиш, ер майдонларини ажратиб, ҳар йили уларнинг бир қисмига мевали дарахтлар экиш. Ихтисослаштирилмаган хўжаликларда боғлар майдони нисбатан кичикроқ бўлиб, одатда 5-10 гектардан кам бўлмаслиги, ихтисослаштирилган боғдорчилик хўжаликларида мева боғлари ўртача 20 гектарга, умумий ер майдони эса 50-100 гектарга яқин бўлиши керак.



2-расм. Мевали боғда майдон ва кварталларининг жойлашиш тартиби

Боғ учун майдон ажратилгандан кейин унинг майдони режалаштирилади: боғ ҳудуди белгиланади, уй-жой ва ишлаб чиқариш бинолари (навларга ажратилиб,

идишлар жойланадиган бинолар, омборлар ва ҳоказо) қуриш аниқланади, ариқ ва зовурлар, йўллар, иҳота дарахтлар лойиҳаси тузилади ва экилади. Майдон кварталларга бўлинади, дарахтларни жойлаштириш харитаси тузилади, тур ва навларни жойлаштириш, чангловчи кўчатлар ўтқазиш белгиланади, кўчатларни ўтқазиш схемаси ва қалинлиги аниқланади.

Барча ишларни қулайлаштириш учун ихтисослашган хўжаликларда катта майдонлар 25-30 гектарга, кичикроқ боғларда эса 10-15 гектарли кварталларга ажратилади. Кварталларнинг чегаралари магистрал йўллар, каналлар, иҳота дарахтзорларга тўғриланади. Боғлар шаклига кўра, ҳар хил шаклларда бўлиши мумкин. Лекин, тупроққа ишлов беришни механизациялаштириш учун ҳар қайси боғ майдони тўғри тўртбурчак шаклида бўлгани маъқулдир. Одатда, ҳар кварталда 2-3 муддатда пишадиган бир хил мева нави ўтқазилади. Кўп меҳнат талаб қиладиган, тез бузиладиган ва узоқ жойларга юборишга унчалик чидамли бўлмаган мева турлари (қулупнай, анжир ва бошқалар) аҳоли яшайдиган яқин жойларга ўтқазилиши керак.

Кварталлар эни 10-12 м ли йўллар билан бир-биридан ажратилади, улар магистрал йўл билан боғланган бўлади. Кварталлар ичидаги йўлларнинг эни 8-10 м бўлади. Бундан ташқари боғ атрофида, иҳота дарахтзорларнинг ички томони бўйлаб, баъзан йирик суғориш каналларига, идишлар қўйиладиган бинолар ва бошқа хўжалик бинолари атрофига ҳам йўллар қилинади.

Тур ва навларни танлаш. Ҳар қайси мевали дарахт тури ва нави тупроқ ва иқлимга нисбатан ўзига хос талабчан бўлади. Ана шу талабларга мувофиқ, Ўзбекистон ҳудуди табиий ва иқлим шароитига қараб 25 зона ва 4 та кичик зоначага ажратилади. Уларнинг ҳар бирида мева турлари ва навлар фоиз ҳисобидаги

нисбатда кўпайтирилади. Ишлаб чиқариш тажрибаси ва илмий текшириш муассасалари маълумотларига қараб ҳар бир зона учун фоиз ҳисобида тур ва навлар ҳудудлаштирилган. Ҳар бир мевачилик ҳудуди учун танланган тур ва навлар стандарт навлар деб аталади. Аммо, хўжаликдаги аниқ шароитлар, тупроқ, ер рельефи, аҳоли яшайдиган пунктлар, корхоналар ва бошқаларнинг узоқ-яқинлигини эътиборга олиб бу стандартларга ўзгартириш киритиш мумкин ва лозим.

Тур ва навлар меваларни қайта ишлайдиган саноатнинг ҳамда аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, хўжаликка берилган режа ва топшириқлар асосида белгиланади ва танланади. Аммо, режа топшириқларда хўжаликнинг табиий ва иқтисодий шароитлари эътиборга олинади. Аҳоли яшайдиган ва саноат марказларига яқин хўжаликлар аҳолини йил давомида мева ва резаворлар билан таъминлаб туришлари; қайта ишлаш корхоналарига яқин хўжаликлар эса шарбат, пастила, джем, мармелад, конфет ва маринадларга талаб этиладиган мева ва резавор-мева турларини етиштиришлари, қуруқ мева етиштириладиган ҳудудлардаги хўжаликлар ўрик, шафтоли, олча дарахтларини кўпроқ экишлари; темир йўлдан узоқдаги хўжаликлар қишда аҳолини янги мевалар билан таъминлаш учун ташишга чидамли ва узоқ сақланадиган, шунингдек, қуритиладиган мева кўчатларини кўпроқ ўтқазишлари лозим. Иқлим, тупроқ, рельеф, сув билан таъминланиш ва шу сингари бошқа табиий шароитлар навларни танлашда ҳал қилувчи омиллардир.

Агар сизот суви яқин жойлашган, совуқ ҳаво тўпланиб қоладиган пастликларда боғ барпо қилинадиган бўлса, совуққа жуда чидамли ва кузда тиним даврига эрта кирадиган навлар танланади.

Тупроғи шўрланган ҳудудларда нисбатан шўрга чидамли тур ва навларни танлаб ўтқазиш тавсия қилинади. Бу масалада пайвандтаг катта аҳамияга эга. Масалан, Туркман олмасига пайванд қилинган олма навлари, Хоразм ноки ва ўригига пайванд қилинган нок ва ўриклар бошқа пайвандтагларга қараганда тупроқдаги зарарли тузларга чидамлироқ бўлади.

Шўрланмаган сизот суви яқин жойлашган ерларда боғ барпо қилишда илдиз тизими юза жойлашган паст бўйли пайвандтаглардаги олхўри, олма ва нок сингари кузда барвақт ўсишдан қоладиган навлар ўтқазилади. Шағал тошли қатлами юза жойлашган ерларда (Фарғона водийси ва бошқаларда) ўрик ва қисман шафтоли яхши ўсиши мумкин.

Жанубий вилоятларда (Сурхондарё), Фарғона водийсида ўсиш даври узоқ ва иссиқ бўлгани туфайли анжир, анор, унаби каби субтропик ўсимликлар яхши ўсади ва ҳосил беради.

Тоғолди ва тоғли ҳудудларда ёнғоқ, бодом, ўрик, нок катта майдонларда экилган. Бундай ҳудудларда мазкур тур меваларни баҳорда камдан-кам совуқ уради, бу ерда ёғингарчилик кам бўлса ҳам улар ўсаверади. Шаҳар атрофидаги хўжаликларда асосий майдонларга узоқ ерларга юборишга чидамсиз ва шу атрофдаги бозорларни таъминлашга имкон берадиган қулупнай каби экинларни экиш яхши самара беради. Умуман, боғ барпо қилишда ҳар йили ҳосил берадиган, серҳосил мевалари юқори сифатли ва имкон борича тез ҳосилга кирадиган навларни танлаш лозим.

Боғда тур ва навларни жойлаштириш. Ҳар бир тур ва ҳатто ҳар бир навнинг ташқи муҳитга бўлган талаби турлича бўлади. Шу сабабли уларни парвариш қилиш агротехникаси табақалаштирилган бўлиши лозим. Бунга эришиш

учун турлар алоҳида-алоҳида майдонларга ва кварталларга, навлар эса алоҳида қаторларга ўтқазилиши керак. Бу кўчатларнинг бехато кўкаришига имкон беради. Навлар эса уларнинг ҳосили бирин-кетин йиғиштириб олинадиган қилиб, яъни эртапишар кейин ўртапишар ва охирги қаторларга кечпишар навлар ўтқазилади. Дарахтларни бундай жойлаштириш боғ ерига ишлов бериш, шох-шаббани буташ, зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш, ҳосилни териб олиш ва сақлаш каби ишларни осонлаштиради.

Навлар шундай танланиши лозимки, улар чангланиб, бутун вегетация даври давомида боғдан бир меъёрда ҳосил бериб турсин. Боғдаги асосий уруғлилар 3-5 навдан, данаклилар 3-4, бошқалари 2-3 навдан иборат бўлиб, улар ҳар хил муддатларда пишадиган бўлиши лозим.

Чангловчи навларни танлаш ва жойлаштириш. Мева дарахтларнинг кўпчилик навлари ўз-ўзидан ҳосил бермайди. Балки бошқа навлар билан чангланишини талаб қилади. Ўз-ўзидан чангланадиган навлар ҳам четдан чангланган тақдирда мўл ва сифатли ҳосил бўлади. Гулларнинг тўла чангланиши учун ҳар 10-12 асосий қатордан кейин бир-икки қаторга бир-иккита чангловчи нав экилади.

Гилос, бодом, олма – чанглатувчини талаб қиладиган мевалардир. Чангланиш муаммоси бўлган мева турларидан боғ барпо этилиши керак бўлса, боғда икки ёки ундан ортиқ чанглатувчи тур бўлиши керак. Чанглатувчи навларни танлашда эътиборга олинадиган хусусиятлар қуйидагилар:

а) асосий нав ва чанглатувчи навнинг гуллаш вақти мос келиши керак;

б) чанглатувчи навнинг гулчангчилари кўп ва ҳаракатчан бўлиши керак;

в) чанглатувчи навнинг товарбоплик қиймати ҳам юқори бўлиши керак;

г) чанглатувчи нав солкашлик хусусиятига эга бўлмаслиги керак;

д) чанглатувчи нав ва асосий навнинг чангланиш вақти бир-бирига яқин бўлиши керак;

е) боғда чангланиш жараёнини яхшилаш учун арилар бўлиши керак.



3-расм. Мевали боғларда тур ва навларни жойлаштириш тартиби (асосий ўсимлик ва икки қатор чанглатувчи ўсимлик)

4-расм. Мевали боғларда арилардан фойдаланиш

Ерни кўчат ўтқазишга тайёрлаш. Боққа ўтқазилган кўчатларнинг тутиши, ёш дарахтларнинг ўсиши, ҳосилга кириш вақти, ҳосилдорлиги, узоқ яшаши муҳит шароитига боғлиқ бўлади. Боғ барпо қилишдан олдин ер кўчат ўтқазишга сифатли тайёрлангандагина ўсимликлар соғлом ва бақувват ривожланиши мумкин. Ерни экишга тайёрлаш уни текислаш, ҳайдаш, ўғитлаш ва бошқалардан иборат. Боғ барпо қилишдан олдин экилган экинларнинг ҳам аҳамияти катта. Майдонлар суғорилгандан кейин плантажли плугда ағдариб ҳайдалади. Ҳайдашдан олдин гектарига 30-40 т гўнг, 120-150 кг ҳисобида фосфорли ўғит солинади. Агарда, беда экилган ер бўлса, бедапояларни ҳайдашдан олдин ерга фақат фосфорли ўғитлар солинади.

Плантажли плуг билан бутун йил давомида ҳайдаш мумкин, аммо бу иш кўчат ўтқазишга камида 1,5-2 ой, яхшиси 3-4 ой қолганда тамомланиши керак. Чунки, юмшатилган тупроқ ўтиришиб, унинг капиллярлиги тикланиши лозим. Тупроғи ўтиришмаган жойга кўчат ўтқазилса, биринчи марта сув берилгандан кейин тупроқ чўкиб, уларнинг илдизи очилиб қолади. Боғ барпо қилинадиган майдон кузда ҳайдаб қўйилади, баҳорда эса дискланади ёки боронланади. Плантаж плуглар етишмаганда 25-30 см чуқурликда ҳайдай оладиган оддий плуглардан ҳам фойдаланиш мумкин. Кучсиз ва кам ишланган ерларга боғ барпо қилишдан 1-2 йил олдин дуккакли экинлар, картошка, сабзавот ва сидератлар экиш яхши самара беради. Шўр ерларда эса ҳайдашдан ва кўчат ўтқазишдан олдин тупроқ шўри ювилади.

Боғлар атрофига ва кварталлар орасидаги катта йўллар ёқасига тез ва баланд бўлиб ўсадиган кўп

йиллик дарахтлар экилганда, улар мевали дарахтларни шамолдан, иссиқдан ва совуқдан, шамолда ҳосилининг тўкилишидан, шох-шаббасининг синишидан, куз, қиш ва баҳор фаслларида уларни қора совуқ уришидан, тупроқ наминиг буғланишидан, ернинг шўрланишидан сақлаб, сизот сув сатҳи кўтарилишининг олдини олади. Иҳота дарахтларидан тирговуч тайёрлаш ҳам мумкин. Иҳота дарахтлари сизот суви сатҳини бирмунча пасайтиради. Чунки улар илдизи орқали сувни ўзлаштириб, уни тана ва барглари орқали буғлантириб туради. Иҳота дарахтлари мевали боғдан 15-20 м узоқроқ қилиб экилади. Ўзбекистон шароитида иҳота дарахти сифатида, асосан, терак, ёнғоқ, фундуқ, оқ акация, шумтол, заранг, жийда, ўрик, қор ва намни кўпроқ тўплаш мақсадида кучли ўсадиган иҳота дарахтлари орасига смородина каби бута ўсимликлар экиш тавсия этилади.

Катта майдонларда боғ барпо қилинганида, шамол кучини камайтириш мақсадида боғлар орасидаги ариқлар бўйига икки қатор қилиб терак экиш яхши самара беради. Иҳота дарахтзорлар 10-12 қатордан кам бўлмаслиги керак. Бу дарахтзорларда касаллик ва зараркунандаларга қарши ҳар йили ўз вақтида кураш олиб бориш зарур. Акс ҳолда, улар касаллик ва зараркунандалар манбаи бўлиб қолиши мумкин.

5-расм. Мевали боғ атрофидаги иҳота дарахтзорлари

Иҳота дарахтзорлар шамолга бардош бериши учун қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак:

а) мевали боғ барпо этиладиган минтақанинг тупроқ-иқлим шароитига мос бўлиши керак;

б) тез ўсадиган, кенг шохламайдиган ва баланд ўсиши билан бирга мустаҳкам бўлиши керак;

в) шамолдан ҳимоя қилиш учун етарли зичликка эга бўлиши керак;

г) илдизи кичик ҳажмга эга бўлиши керак;

д) касаллик ва зараркунандалар билан касалланмаган бўлиши керак.

Янги ташкил этилган боғларни ҳайвонлардан ҳимоя қилиш ва боғ чегараларини белгилаш учун боғни ўраб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кўчатларни экиш қалинлиги ва схемалари. Мевали дарахтлар шундай қалинликда ўтқазилиши керакки, бунда уларнинг юқори даражада ҳосил бериши, меваларнинг сифати яхши бўлиши, шунингдек шамолга, гармселга ва совуқ ҳамда қора совуқларга чидамли бўлиши, тупроқни ишлаш ва дарахтларни парвариш қилиш ишларини механизациялаштириш имконини бериши лозим.

Кўчат ўтқазишда дарахтларнинг ўсиши мумкин бўлган энг катта шохларнинг кенглиги, қуёшдан фойдаланиш даражаси, қуруқ минтақалар ва нам минтақалар учун ҳавонинг намлигини ушлаб туриш, намликнинг тўпланишига тўсқинлик қиладиган оралиқлар ва масофалар ҳисобга олиниши керак. Тупроқнинг хусусиятлари инобатга олиниб, унумдор тупроқларда зичроқ, унумсиз ва қуруқ тупроқларда сийракроқ экиш керак, бунда эса илдизнинг ривожланиши ва озиқланиш майдонини, мева турлари ва навларига берилиши мумкин бўлган қатор ва туплар орасини ҳисобга олиш лозим.

6-расм. Ёш мевали боғ

1-жадвал

Ўзбекистоннинг асосий ҳудудларида мевали дарахтларни жойлаштириш схемаси (м, ҳисобида)

Мевали дарахтларнинг тури	Суғориладиган бўз тупроқли ерларда		Шағал, қум тупроқли ерларда		Тоғли ҳудудда	
	қатор-лар ораси	туплар ораси	қаторлар ораси	туп-лар ораси	қаторлар ораси	туп-лар ораси
Олма						
Кучли ўсувчи	8	7	8	6	8	6
Ўрта бўйли	6	5	5	4	5	4
Паст бўйли	4	2	-	-	-	-
Нок						
Кучли ўсувчи	8	6	8	5	-	-
Паст бўйли	4	3	4	2		
Беҳи	6	4	6	4	-	-
Ўрик	8	7	8	6	8	6
Олхўри билан йирик мевали тоғолча	6	5	5	4	6	4
Шафтоли	6	4	5	4	-	-

Гилос	8	7	8	6	-	-
Олча	6	5	6	4	-	-
Анор	4	3	5	4	-	-
Хурмо	6	5	5	5	-	-
Анжир	6	5	6	4	-	-
Бодом	8	6	7	5	6	5
Чилонжийда	6	4	5	4	6	4
Ёнғоқ						
Кучли ўсадиган навлар	10	10	8	7	10	8
Ўртача ўсадиган навлар	8	6	7	6	6	5
Идеал	8	6	7	5	6	5

Боғда мевали дарахтларни жойлаштириш усули. Мевали дарахтларни боғда жойлаштиришда уларнинг ўсиши ва ҳосил беришга зарар етказмаган ҳолда ўсимликларнинг озиқланиш майдонидан имкон борича тўлароқ фойдаланиш керак. Бунда боғ ерига ишлов бериш ва дарахтларни парвариш қилиш ишларини механизациялашни ҳам ҳисобга олиш лозим.

Текисликларда мевали дарахтлар квадрат, тўғри бурчакли тўртбурчак ва шахмат усулида жойлаштирилади.

Квадрат усули жуда кўп қўлланилади. Бунда қатор ораси ва қаторлардаги туплар ораси тенг бўлади; шунда бир-бирига яқин турган шохлаш имкониятига эга бўлади ва уларда машиналарнинг бурилиши осон бўлади ва боғ қатор ораларини



7-расм. Квадрат усули

Тўғри бурчакли тўртбурчак усулида қаторлар ораси қаторлардаги дарахтлар орасига нисбатан бирмунча (2-3 м) кенгроқ қолдирилади. Оқибатда 1 гектар ерга квадрат усулидагига қараганда кўпроқ дарахт ўтқазилади. Қаторларда дарахтларнинг шох-шаббаси бир-бирига тезроқ туташиб кетади, юқорига томон чўзилиб кетмайди ва бир-бирини сиқиб қўймайди.



8-расм. Тўғри бурчакли тўртбурчак усули

Шох-шабба кенгайтирилган қатор оралари томон ўсади. Бу усул мева дарахтларни қалин ва сийрак ўтқазишдаги афзалликларни ўз ичига олади. Қатор ораларининг кенглиги ерга ишлов бериш ва дарахтларни парваришлаш ишларини механизация ёрдамида бажариш имконини беради. Бундан ташқари бу усулда экилган боғлардан бошқа усуллардагига қараганда бирмунча юқори ҳосил олинади.

Дарахтларни ***шахмат (учбурчак) усулид***а жойлаштириш. Бу усулда дарахтлар учбурчак ёки олтибурчак тепаларига ўтқазилади. Бунда бир гектар ерга квадрат ёки тўғри бурчак усулда жойлаштирилгандагига қараганда кўпроқ дарахт ўтқазиш мумкин, лекин боғ ишларини механизациялаштириш қийинлашади. Саноат асосида барпо қилинган боғларда бу усул ис



9-расм. Шахмат (учбурчак) усули

Тоғли ерларнинг унчалик қия (10-12° гача) бўлмаган майдонларида, айниқса адирларда мевали дарахтлар ***контурли ёки рельефли усул****да* жойлаштирилади. Дарахтларнинг ҳар бир қатори қиялик горизонтига тўғри чизиқ бўйлаб эмас, балки горизонталда ҳамма вақт ҳам бир

хил кенгликда қолдириб бўлмайди. Қияликнинг қанчалик тик бўлишига қараб қаторлар баъзан бир-биридан узоқлашади ёки яқинлашади. Бундай шароитда суғориш имконияти бўлса, горизонтал томондан 0,002-0,005^0 нишаб, қилиб суғориш эгатлари олинади. Бу эса ёнбағридан оқиб тушадиган ёмғир сувини, шунингдек суғоришда берилган сувни ҳам ушлаб қолади ва тупроқни ювилишдан ва эрозиядан сақлайди. Нишаби 10-12^o дан катта тоғли ерларда мевали дарахтлар террасаларга экилади.



10-расм. Контурли ёки рельефли усул

Экиш учун тайёргарлик кўриш ва экиш вақти. Мевали ўсимликлар тури ва навлари шунингдек, экиш схемалари танланганидан сўнг, кўчат ўтқазишдан олдин ва кейин бажарилиши керак бўлган баъзи ишлар мавжуд. Аввало, экишдан олдин тупроқни тайёрлаш керак. Агар ер текис бўлмаса, уни текислаш лозим.

11-расм. Ерларни шудгорлаш ва текислаш

Экишдан олдин тупроқни плантаж плуглар билан чуқур ҳайдаш керак. Ер ҳайдалгандан кейин бир оз дам олиши керак. Мева кўчатларини экиш учун икки давр, куз ва баҳор фасли мос келади. Агар кузги экиш кўчатлар тиним даврида амалга оширилса, баҳорги экиш ҳудуднинг хусусиятларига қараб қиш ойларининг охирида экишга тайёргарликлар кўрилиши керак. Қишки совуқ ҳаволар муаммо туғдириши мумкин бўлган жойларда баҳорда экиш керак.

Экиш учун мўлжалланган ерларни текислаш ишлари сифатли якунланганидан кейин кўчатларнинг баҳорда кучли ва соғлом ривожланиши кузатилади.

Боғ майдонини режалаш. Катта майдонларда боғ барпо қилишда айрим кварталларнинг катта-кичиклиги, уларнинг қандай жойлашиши, тегишли биноларнинг ўрни ва уларга борадиган йўллар белгилаб қўйилади. Майдон магистрал ва кварталлараро йўллар ҳамда иҳота дарахтзорлар ажратилгач махсус асбоб билан режаланади.

Ҳар бир квартал бурчакларига карта номи ёзилган устунлар ўрнатилади. Дарахт қаторлари сув яхши

юрадиган энг қулай нишаб бўйлаб олинади. Қатор иложи борича шарқдан ғарбга қараб, доимий шамоллар бўлиб турадиган ҳудудларда дарахтлар шамол эсадиган томонга қаратиб олингани маъқул. Иҳота дарахтлар эса шамолга перпендикуляр ўтқазилиши керак. Боғ майдони асосий



12-расм. Боғ майдонини режалаш

Режалаш учун: ер ўлчайдиган лента ёки рулетка, камида 110 см узунликда 2 та трос, узунлиги 3 м гача, диаметри 5-8 см ли 15-20 та ёғоч қозиқлар, тросни тортиш учун узунлиги 1 м гача, диаметри 2-3 см келадиган 2 та темир қозиқ, ҳар 5-10 гектар ерга кўчат ўтқазиш ҳисобидан узунлиги 1 м келадиган 400 та қозиқча ва узунлиги 24 метрли 2 та чизимча зарур.

Кварталлар ёки кичик участкаларни режалашда Эккер асбоби ёки чизимча, ер ўлчайдиган лента ёрдамида тўғри бурчаклар ҳосил қилинади. Экиш усули ва схемасига қараб боғ майдони тақсимланиб, кўчатлар ўтқазиладиган жойлар аниқланиб чиқилади. Кўчатлар ўтқазиладиган жойларни белгилашнинг чизимча тортиб, кўз билан чамалаб ва контурли режалаш усуллари мавжуд.

Чуқурча ковлаш. Боғ барпо қилинадиган майдонларда режалаш ишлари тугалланиши биланоқ чуқурлар қазишга

киришилади. Кузда чуқурлар кўчат ўтқазишдан икки ҳафта олдин, баҳорда ўтқазилганда эса кузда ёки экишга 2 ҳафта қолганда баҳорда ковланиши мумкин. Чуқурларнинг диаметри 60 см, тупроқ типига қараб чуқурлиги ҳар хил бўлади. Масалан, оғир тупроқли ерларда ўраларнинг чуқурлиги 45-50 см ва енгил тупроқли 60-70 см гача бўлса, ўтқазилган кўчатларнинг илдизлари тезроқ тикланади янги илдизлар кўпроқ пайдо бўлиб, чуқур қатламларига киради. Бу эса ўсимликни чуқур қатламлардаги нам билан таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Чуқур ковланганда дарахт ўтқазиладиган нуқтани йўқотиб қўймаслик ва тўғри чизиқ бўйлаб ўтқазилишини бузмаслик учун узунлиги 1,5-2 м, эни 10-15 см уч жойи ўйилган кўчат ўтқазиш тахтасидан фойдаланилади. Тахтанинг ўртаси икки учидан баравар ораликда кенглиги 4-5 см бўлган ярим доира шаклида 4-5 см ўйилади, тахтанинг икки учидан эса диаметри 3-4 см қилиб тешилади. Чуқур ковлаш олдидан тахта маълум бир томонга қараб ерга қўйилади. Тахтанинг ўртасидаги ярим доира шаклида ўйилган жойи қозиққа (дарахт ўтқазиладиган жойга) тақиб қўйилади, тахтанинг икки бошидаги тешикларга узунлиги 25-30 см ва диаметри 3 см келадиган назорат қозиқлар қоқилади. Кейин тахта ва ўртадаги қозиқ олинади, назорат қозиқлар ўз жойида қолади ва чуқурлар ковлашга киришилади. Чуқурлар қўлда квадрат ёки доира шаклида ковланади.

Чуқур ковлаш кўп меҳнат талаб қилади. Шунинг учун чуқурлар КНЮ-100 ёки КРК-60 маркали махсус чуқур ковлайдиган машиналар билан ковланади. Чуқур ковлайдиган машинанинг асосий ишчи органи айланадиган пармадан иборат бўлиб, унинг диаметри чуқурнинг кенглиги билан баробар бўлади.

13-расм. Кўчат экиш учун чуқурларни ковлаш

Кўчатни ўтқазишга тайёрлаш. Боғ барпо қилишда фақат стандарт талабларга жавоб берадиган соғлом кўчатларнигина экишга рухсат этилади. Касалланган, шикастланган ва стандарт талабларига жавоб бермайдиган кўчатлар яроқсиз ҳисобланади.

Ўтқазиладиган жойга келтирилган кўчатларнинг илдизларини вақтинча бўлса ҳам очиқ қолдириш асло мумкин эмас. Уларни дарҳол тупроққа кўмиш керак. Кўчатларни ташиган вақтда уларнинг илдизларига нам брезент ёки похол ёпиб қўйилади.

14-расм. Кўчатни экишга тайёрлаш

Агар ўсимликнинг нами қочиб қолган бўлса, ҳужайраларни нормал ҳолга келтириш учун 1-2 кун сувга солиб қўйилади. Ўтқазиш олдидан кўчатларнинг илдизи тупроққа мол гўнги аралаштириб тайёрланган аталага ботириб олинади. Бу илдизларни қуриб қолишдан сақлайди. Бунинг учун ариқ ёнига чуқур қазилади ва унда «атала» тайёрланади. «Атала»га ботирилган кўчатлар экила бошланади.

Кўчат ўтқазиш тартиби. Кўчат ўтқазиш олдиндан чуқурга тупроқ ташланиб дўнгча ҳосил қилинади. Кўчат ўтқазиш тахтасини назорат қозиқларга киритилади, тахтанинг ўртасидаги ўйиққа кўчат қўйилади. Тажрибали ишчилар текис жойларда кўчат ўтқазиш техникасидан фойданланмайдилар, балки боғни режалашдаги сингари кўз билан чамалаб ўтқазадилар. Кўчатни икки ишчи ўтқазади. Бири кўчатни олиб, илдизларни тупроқ уюми устига тараб қўяди. Иккинчи ишчи чуқур атрофига бир текис қилиб юмшоқ тупроқ ташлайди, тупроқ илдизларига зич ёпишиб туриши учун уни босиб қўяди.



15-расм. Кўчат экиш тартиби

Кўчат ўтқазилганда илдиз оғир тупроқли майдонларда ер юзидан 5-6 см, енгил тупроқли майдонларда эса 4-5 см юқори қилиб кўмилиши лозим. Шунда кўчат суғорилиб, тупроқ ўтиргандан кейин унинг илдиз бўғзи кўчатзордагидек ер сатҳи билан баравар бўлиб қолади. Агар ўтқазилган дарахтнинг илдиз бўғзи ер сатҳидан чуқурроқ кўмилса, тана пўстлоғи чириб кетиши мумкин. Бундай дарахтлар яхши ўсмайди, кам ҳосил беради, узоқ яшамайди. Анжир, анор, қора смородина қўшимча илдизлар чиқаради, шунинг учун чуқуррок экиш мумкин. Кўчатлар ўтқазилгандан сўнгги барча агротехника тадбирлари кўчатларни тутқазишга қаратилган бўлади.

Пакетланган кўчатларни қолипидан чиқариш. Пакетланган кўчатларни экишдан олдин пакетлардан эҳтиётқорлик билан чиқариш керак. Мева кўчатларини экиш вақтида илдизни кесиш ишлари амлга оширилади. Илдизни кесишда, пакетланган кўчатларда бир-бирига чирмашиб қолган, зарарланган ёки букланган илдизлар олиб ташланади. Илдизларни қирқиш пайтида ўқ илдизлар кесилиб, ён ва попук илдизларни ривожланишига хизмат қилади.

16-расм. Пакетланган кўчатларни экишга тайёрлаш

Кўчатлар учбурчак белгидан фойдаланган ҳолда экиш тахтаси ёрдамида кўчат чуқурининг ўртасига жойлаштирилади. Тупроқ-ўғит аралашмаси билан чуқур маълум даражада тўлдирилади ва зичланади.

17-расм. Пакетланган кўчатларни экиш тартиби

Агар кўчатлар босилмасдан экиладиган бўлса, кўчатларга сув берилганда, тупроқ кўчат билан бирга чўкади. Кўчатлар жойлаштирилгандан кейин чуқур тупроқ билан тўлдирилади ва босилади. Бундан ташқари, кўчатларни шамолдан ҳимоя қилиш учун кўчатларга боғланган бўлиши керак. Кўчатларнинг танасига зарар бермаслик учун уни «8» шаклида боғлаб қўйиш керак. Экишдан сўнг дарҳол боққа сув берилиши керак. Шу мақсадда кўчатлар атрофида кичик ҳовузча ҳосил қилинади. Кўчатлар экилгандан кейин суви кечиктирилмасдан берилиши керак. Сув кўчат ва тупроқ ўртасида бўшлиқ бўлмаслигини таъминлайди.

18-расм. Кўчат экилганидан сўнг қўлда суғориш

Ўзбекистоннинг иқлим шароити ва ташкилий ишларга қараб, мевали дарахтлар одатда кузда ёки баҳорда ўтқазилади. Кузда дарахт ўтқазиш хазонрезликдан кейин ноябрь ойи бошларида бошланиб, қора совуқлар тушгунга қадар давом этади. Баҳорда эса кўчатлар куртак ёзгунга қадар, тупроқнинг ҳолатига қараб, яъни жанубий ҳудудларда 20-25 мартгача, шимолий ҳудудларда 10-15 апрелгача ўтқазиш мумкин. Кузда ўтқазиш баҳордагига нисбатан қулай, чунки бу давр узоқроқ давом этади. Қиш мобайнида дарахт илдизларида каллюслар пайдо бўлади, улар баҳорда яхши тутиб, тезроқ ўса бошлайди.

Қиш илиқ келган ва ҳарорат ноль даражадан юқори бўлиб, ер яхламаган бўлса ҳам кўчат ўтқазиш мумкин. Экилган кўчатлар тезлик билан 60-70 см баландликда штамбалари оқланиши шарт. Бу танасини қизиш ва сув парланишини камайтиради ҳамда зараркунандалардан ҳимоя қилади. Ўсиш даврида кўчатларнинг атрофлари қатқалоқ бўлиб қолмаслиги учун юмшатиб турилади.

Экишдан кейинги парваришлаш ишлари.

а) Кўчатларни қишки совуқдан ва ёзда иссиқдан ҳимоя қилиш: Боғ барпо этиш кузги муддатда амалга оширилса, кўчатларни ҳимоя қилиш учун қоғоз билан ўраш фойдали бўлади.

Кўчатларни танаси ўралмасдан олдин зараркунандалар пайдо бўлмаслигини олдини олиш учун тегишли дорилар ёрдамида тана қисмини дорилаш керак. Баҳорги муддатда экишдан кейин эса ёзга кираётганда кўчатларнинг танасини қуёшнинг иссиқлигидан ҳимоя қилиш учун кўчатларни оҳак билан оқартириш зарарни камайтиради.

19-расм. Кўчатни қоғоз билан ўраш

б) Суғориш: Кўчатларни экишдан кейинги дастлабки 1-2 йилда суғоришга эътибор бериш керак. Суғориш жуда муҳим, чунки кўчатларнинг илдизлари ҳали тупроқнинг чуқурлигига етиб бормаган. Суғориш усули ва миқдори ёмғир ва об-ҳаво шароитларига қараб режалаштирилган бўлиши керак.

Янги экилган ниҳолларни эгатлаб суғориш. Агар имконияти бўладиган бўлса суғориш тизими сифатида томчилатиб суғориш усули тавсия қилинади. Агар эгатлаб суғориш амалга оширилса, сув кўчатларнинг танасига тегиб кетмаслиги учун эҳтиёт бўлиш керак.

20-расм. Кўчатларни эгатлаб суғориш

в) Ўғитлаш: Ёш кўчатларни ўғитлашга эътибор бериш лозим. Ҳаддан ташқари азотли ўғитларни кўп қўллаш кўчатларнинг вегетатив куртакларини ҳосил бўлишини кучайтиради ва ҳосилга кириш даврини кечиктиради. Шунинг учун ҳаддан ташқари ўғитлардан кўп фойдаланмаслик керак. Энг тўғри усул тупроқни таҳлил қилиш асосида ўғитлаш меъёрини аниқлаш керак.

г) Буташ: Шохланган кўчатлар экилганида худди шу нуқтадан чиқмаган, тана устига энг камида 1-2 см масофага эга бўлган ва бир-бири билан тенг бурчак ҳосил қиладиган 3-4 та яхши ривожланган новдалари танлаб олинади ва қол-

ганлари пастки қисмдан олиб ташланади. Ушбу танланган новдалар 20-25 см дан кесилиб, дарахтнинг асосий шохларини ҳосил қиладиган новдалар аниқланади.

Бегона ўтлар. Бегона ўтлар маданий ўсимликларнинг озиқ моддаларига, намлигига шерик бўлади, ёруғлик ва ҳароратдан фойдаланиб улар билан рақобат қилади, ҳосилини камайтиради.

Бегона ўтлар ҳосил йиғишни қийинлаштиради, касаллик, зараркунанда ва ҳашаротларни кўпайтиради, жумладан ўргимчаккана-қўйпечакда, шира-бўзтиканда, карадрина-олабутада, занг касаллигини қўзғатувчиси буғдойиқда яшаб, кўпайиб, кейин маданий экинларга ўтади.

Республикамиз тупроқ-иқлим шароитида 200 турдан зиёд бегона ўтлар учрайди. Биологик хусусиятларига кўра, бегона ўтлар бир ва кўп йиллик (бир паллали ва икки паллали) ҳамда текинхўр (паразит) бегона ўтларга ажратилади. Бўритароқ, шамак, итқўноқ, семизўт, итузум, эшакшўра каби бир йиллик бегона ўтлар кўпроқ учрайди.

Бир йиллик бегона ўтларнинг илдизлари калта бўлиб, асосан уруғлардан кўпаяди. Бир туп шўра 200 мингдан 1 миллионгача, итузум 100-500, семизўт 80-500, қўйпечак 5-250 минггача уруғлайди.

Кўп йиллик бегона ўтлардан қўйпечак, такасоқол, қизилмия, бўзтикан асосан куртаги ва уруғидан, ғумай, қамиш, саломалайкум, ажириқ, қирқбўғим эса илдизпояси орқали кўпаяди. Ғумай ва ажириқни йўқотиш анча қийин. Ғумайнинг илдизи тупроқнинг 100-150 см чуқурлигига етади, 100 000 донагача уруғ беради. Уруғлари унувчанлик қобилиятини 3-4 йилгача йўқотмайди.

Суғориладиган ерларда зарпечак, чирмовуқ, шумғия каби

текинхўр бегона ўтлар кўп учрайди. Зарпечак нафақат уруғи, балки поясининг бир бўлакчаси билан ҳам кўпая олади. Бегона ўтларнинг кенг тарқалишига суғориш пайтида уларнинг уруғлари ва вегетатив пояларини оқиб келиши, экиш олдидан тупроққа ишлов бериш сифатсиз ўтказилгани, боғ қатор ораларига ўз вақтида ишлов берилмаганлиги, чимдан фойдаланиш, чиримаган гўнг солиш ва сифатсиз шудгор қилишлар сабаб бўлади. Айниқса, сўнгги йилларда шарбат усулида суғоришда чиримаган гўнгдан фойдаланилаётганлиги бегона ўтларнинг кенг тарқалишига олиб келмоқда.

Бегона ўтларга қарши курашиш. Олдини олиш чоралари. Аввало, боғларга ташқаридан бегона ўт уруғлари суғориш суви, чиримаган гўнг, қишлоқ хўжалик техникалари ва машиналари билан кириб келишини олидини олишга эътибор қаратиш лозим.

Механик кураш. Мевали боғлардаги бегона ўтларни, ерни чопиш, шудгор қилиш ёки қўл билан юлиб ташлаш усуллари билан йўқотиш мумкин. Ерга ишлов бериш давомида эҳтиёт бўлиш керак. Дарахт илдизларини зарарланмаслиги учун унчалик чуқур шудгор қилинмаслиги керак. Бегона ўтларни гул ёки уруғлари пишишидан олдин олиб ташлаш, катталашиб бошқа касаллик ва зараркунандаларни кўпайишига хизмат қилишининг олдини олиш керак.

Физиалогик кураш. Тупроқ юзаси қора плёнкалар, сомон каби материаллар билан қоплаш орқали тупроқ юзасини мульчалаш, тупроқдаги намликнинг камайишининг олдини олади ва бегона ўтларнинг чиқишига имкон бермайди.

Кимёвий кураш. Бу осон қўлланилиши, арзонлиги ва тезда натижа бериши туфайли энг самарали усул ҳисобланади. Кимёвий курашда препаратларни қўллаш меъёрини тўғри белгилаш, препаратларни ҳаво ҳарорати +8-25 °С бўлган вақтда қўллаш самарадорлигини оширади. Кимёвий

препаратлардан фойдаланишда пестицид ёки гербицид-нинг дарахт баргларига таъсир қилишининг олдини олиш ва ёш боғларда кимёвий пестицид ёки гербицидлардан фойда-ланмаган афзал. Бегона ўтларга қарши курашишда қўлла-ниладиган препаратни йўриқномасига асосан амалга ошириш керак.

21-расм. Қирқбўғим, Саломалайкум, Ғумай, Ажириқ

22-расм. Ёввойи сули, олабўта, какра, қўйпечак

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. ПҚ-4246-сон Қарори. – Тошкент, 2019 йил 20 март.
2. Мирзиёев Ш. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”. ПФ-4947-сон Фармони. – Тошкент, 2017 йил 7 февраль.
3. Мирзиёев Ш. “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. ПФ-5388-сон Фармони. – Тошкент : 2018 йил 29 март.
4. Мирзиёев Ш. “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжаллаган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”. ПҚ-4575-сон Қарори. – Тошкент, 2020 йил 28 январь.
5. Туркия Республикаси Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда “Denizbank” ҳамкорлигида тайёрланган “100 та китоб”дан иборат тўплами.
6. Бўриев Х. Ч, Байметов К. И. Абдикаюмов З. А. Мева экинлари селекцияси ва навшунослигидан амалий машғулотлар. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – б. 66-72.
7. Мирзаев М. М., Собиров М. Қ. Боғдорчилик. – Т.: 987.
8. Мирзаев М. М., Собиров М. Қ. Ўзбекистонда боғдорчилик. – Т.: 1980. – б. 6-30.
9. Останақулов Т. Э., Исламов С. Я, Хонқулов Х. Х., Санаев С. Т., Холмирзаев Д. К. Мевачилик ва сабзавотчилик. – Тошкент. 2011. – б. 232-250.
10. Останақулов Т. Э., Нарзиева С., Ғуломов Б. Х. Мевачилик асослари. Т.: 2011. б. 152-155.
11. Ражаметов Ш., Нормуратов И., Адилов Х., Жанакова Д. Мева, резавор мева ва ток кўчатзорларини ташкил этиш. Тошкент, “Baktria press,” 2018. – б. 11-80.
12. Рибаков А. А., Остроухова С. А. Ўзбекистон мевачилиги. Т.: “Ўқитувчи,” 1981. б. 4-100.
13. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат Реестри. Тошкент, 2019.

Интернет сайтлар

www.gov.uz.
www.lex.uz.
http://www.asprus.ru
http://www.chrab.chel.su

42.37
М 38

Мевали боғ барпо этиш [Матн] : илмий нашр / «Агробанк» АТБ.-Тошкент: "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021. - 56 б.

ISBN 978-9943-7171-7-6

УЎК 634
КБК 42.37

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчиси
“Агробанк” АТБ

100 китоб тўплами

МЕВАЛИ БОҒ БАРПО ЭТИШ

61-китоб

Нашриёт уйи “Тасвир”
Тошкент – 2021

Таржимонлар:
Тошкент давлат шарқшунослик университети
“Таржима ва тил маркази” таржимонлар гуруҳи

Муҳаррир-мусаҳҳиҳ:
Г. Иоршанбиева

Компьютерда тайёрловчилар:
З.Б. Хошимов, Н.С. Сайидаҳмадов

Дизайнер:
Д. Иванов

Нашриёт тасдиқномаси: № 7404, 02.02.2021
Босишга 16.04.2021 да рухсат этилди. Бичими 60x84 $^{1}/_{16}$
Fira Sans гарнитураси. Офсет босма усулида чоп этилди.
Адади 830 нусха. Буюртма рақами: 1112

“Colorpack” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳар, Янги шаҳар кўчаси, 1А.